ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!

O‘ZLIDEP XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETASI

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan çop etila boşlagan

5-noyabr 2026-yil 44 (1 198)

21asr.uz | XXIasr_yangiliklari | XXIASR | XXI_asr@mail.ru | xxiasrgazetasi | XXIasrgazetasi

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Бугунги Бухоро буюк тарихдан янги тараққиёт ва муҳташам лойиҳалар даврига шиддат билан юзланмоқда.

Мулоқот ва тажриба майдони



Бугун ўзбек аёли нафақат оила чироғи, балки мамлакат иқтисодиётини ҳаракатлантирувчи, юзлаб оилаларга даромад ва келажакка ишонч улашаётган бунёдкор куч сифатида майдонга чиқмоқда. Айнан ана шундай ташаббускор, ижодкор ва фидойи хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида O‘zLiDePнинг “Ишбилармон аёл” кўрик-танловининг ҳудудий республика босқичлари кўтаринки руҳда ўтказилмоқда. Мазкур танловнинг Фарғонада ўтказилган вилоят – республика ҳудудий босқичида 27 нафар фаол тадбиркор хотин-қиз ўзларининг бизнес фаолияти ва тайёрлаган маҳсулотлари кўргазмасини намойиш этишди.

2

МУНОСАБАТ

АНҚАРА САММИТИ:

ТУРКИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ МЕЗОНЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОННИНГ СТРАТЕГИК ЎРНИ



Шу йил 30 октябрда Анқарада Туркий давлатлар ташкилоти (ТДТ)нинг 13-саммити бўлиб ўтди. Унда ташқи сиёсий ҳамкорлик, савдо, транспорт, саноат кооперацияси, рақамли иқтисодиёт, таълим ва маданият каби муҳим йўналишлар муҳокама қилинди. Саммит якунида қабул қилинган декларация ташкилотнинг келгуси фаолияти учун сиёсий йўналишларни белгилаб берди. Бироқ эришилган келишувларнинг аҳамияти уларнинг қамрови билангина ўлчанмайди. Асосий масала – илгари сурилган ташаббусларни амалий механизмларга айлантириш, уларнинг аъзо давлатлар иқтисодиёти ва аҳоли ҳаётига қандай натижа беришидир. Ўзбекистон учун бу жараёнда ўз миллий манфаатларини илгари суриш ва мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш алоҳида аҳамиятга эга.

2

БУГУНГИ СОНДА



МАНЗИЛИМ – ЛИМОНЧИЛАР МАҲАЛЛАСИ 3.



ЛУҚМАИ ҲАЛОЛ
ҚАЧОН ЗАҲАР-ЗАҚҚУМГА АЙЛАНМАЙДИ? 5.



ОБИ ҲАЁТ ЗАРГАРИ
ёхуд сув хўжалигининг жиззахлик маликаси ҳақида мухтасар сўз 5.



ДИПЛОМ КРЕАТИВ КАДРЛАР КЕРАК 6.



Фақат жазонинг ўзи кифоя эмас! 6.

АНҚАРА САММИТИ: ТУРКИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ МЕЗОНЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОННИНГ СТРАТЕГИК ЎРНИ

Бошланиши 1-саҳифада.

Кўп томонлама келишувларни амалга оширишда давлатларнинг тайёрлик даражаси муҳим албатта. Халқаро тажрибада бу масалага турлича ёндашилади. Масалан, Евросиё иқтисодий иттифоқида Комиссия ўз ваколати доирасида аъзо давлатлар учун мажбурий қарорлар қабул қилади. Жануби-Шарқий Осиё давлатлари уюшмаси (АСЕАН)да эса умумий келишув асосида айрим иқтисодий мажбуриятларни дастлаб уларни бажаришга тайёр давлатлар амалга ошириши мумкин. ТДТнинг ташкилий тузилиши бу икки ташкилотдан фарқ қилади. Бироқ ушбу тажрибадан Ўзбекистон учун муҳим хулоса чиқариш мумкин: савдо, логистика ва рақамли ҳужжат алмашувига оид янги тартибларни дастлаб манфаатдор шериклар билан синаб кўриш, самарали натижа берган механизмларни кейинчалик ТДТ доирасида кенгайтириш имкониятларини ишлаб чиқиш.

“Туркий аср: тилда, фикрда ва ишда бирлик” шиори Анқара саммитининг сиёсий руҳини ифодалади. Аммо тарихий ва маданий яқинликнинг иқтисодий самараси ўз-ўзидан юзага келмайди. Бунинг учун давлатлар ўртасидаги келишувлар тадбиркорлар фаолиятини енгиллаштирадиган, савдо ва инвестицияларга қулай шароит яратадиган аниқ механизмлар билан мустаҳкамланиши зарур.

Саммитнинг сиёсий моҳияти

Анқара саммитида Туркий давлатлар ташкилотининг фаолиятини ташкилий жиҳатдан такомиллаштиришга ҳам эътибор қаратилди. “Туркий дунё нигоҳи – 2040”да белгиланган мақсадлар асосида 2027–2031 йилларга мўлжалланган стратегияни ишлаб чиқишни якунлаш, стратегик шериклик, абадий дўстлик ва қардошлик тўғрисидаги шартнома лойиҳаси устидаги ишларни давом эттириш ҳамда доимий вакиллик тизимини шакллантириш масалалари кун тартибидан ўрин олди. Бу жараёнлар ташкилотнинг фаолиятини саммитлар доирасидаги учрашувлар билангина чеклаб қўймасдан, қабул қилинган қарорлар ижросини мунтазам мувофиқлаштириб боришга қаратилган. Бунда асосий масала янги механизмларнинг ваколатлари ва масъулиятини аниқ белгилаш, уларнинг амалда самарали ишлашини таъминлашдан иборат.

Иккинчи томони шуки, аъзоларнинг ташқи сиёсий устуворликлари ва иқтисодий шериклари бир хил эмас. Шу сабабли декларация ягона ташқи сиёсатни эмас, халқаро ташкилотларда номзодларни ўзаро қўллаш ва ташқи ишлар вазирлари маслаҳатлашувлари орқали умумий масалаларда келишилган позицияни излайди. ТДТнинг БМТ Бош Ассамблеяси ва Ислом ҳамкорлик ташкилотида кузатувчи мақомига интилиши ҳамда “ТДТ плюс” доирасида учинчи томонлар билан ҳамкорлик ҳам шу мантиққа мос. Лекин кузатувчи мақомига интилиш уни қўлга киритиш билан тенг эмас.

Хавфсизлик йўналишида жиноятчиликка қарши ҳамкорлик кенгаши ва киберхавфсизлик бўйича меморандум устида иш давом этмоқда, яъни улар ишлаб турган тузилма эмас. Аммо иқтисодий аҳамияти катта: рақамли тўлов, электрон божхона ва юк ҳақидаги ахборот алмашуви кенгайгани сайин, бир мамлакатдаги киберҳужум бутун таъминот занжирини тўхтатиши мумкин. Минтақавий масалалар орасида Ўзбекистон учун энг муҳими – Афғонистон: у ердаги барқарорлик Трансафғон темир йўли, жанубий бозорларга чиқиш ва чегара хавфсизлигига бевосита таъсир қилади. Бошқа можаролар бўйича баёнотларнинг қиймати кейинги дипломатик қадамлар билан ўлчанади.

Ўзбекистон – ташаббусларни шакллантираётган иштирокчи

Президентимиз нутқида саноат, транспорт, тижорат ҳуқуқи, туризм, таълим ва ташқи шериклик бўйича таклифлар билдирилди: “Туркий дунё – 100” дастури, тижорат ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам шартномаси ва электрон ҳужжат алмашиш платформаси, логистика комплекслари тармоғи, “ТДТ плюс” формати. Улар бир занжирнинг бўғинлари: сармоя киритиш, ишлаб чиқариш, маҳсулотни жўнатиш ва унинг ҳақини ҳуқуқий ҳимояланган шартнома асосида олиш. Ўзбекистоннинг ўрни шу занжирни яхлит таклиф қилганида кўринади.

Иккинчи асос – жуғрофий. Ўзбекистон жаҳон океани портларига чиқиш учун камида икки давлат ҳудудидан ўтиши зарур бўлган мамлакат, шу маънода Ўрта коридор, Хитой–Қирғизистон–Ўзбекистон темир йўли ва Трансафғон йўналиши биз учун оддий транспорт муаммосинигина ҳал этиш эмас, балки экспорт барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ жиддий масаладир.

Учинчи асос – институционал. Мирвоҳид Азимовнинг Туркий давлатлар ташкилотининг янги Бош котиби этиб тайинлангани эълон қилинди. Бу Ўзбекистон вакилининг мазкур лавозимга биринчи марта тайинланиши билан аҳамиятли. Лекин Бош котиб алоҳида давлатнинг эмас, барча аъзоларнинг умумий манфаати учун ишлайди, шунинг учун воқеанинг аҳамиятини дастурлар ижросини таъминлашдаги институционал масъулият билан боғлаб баҳолаш тўғрироқ. 2027 йилги 14-саммит Ўзбекистонда ўтиши белгиланган, Қирғизистоннинг 2027 йили норасмий саммитга мезбонлик қилиш ташаббуси ҳам қўллаб-қувватланди. Шунингдек, Ўзбекистоннинг 2027 йилдан Қўшилмаслик ҳаракатига раислик қилиши 2027–2029 йилларда ўзбек ташаббусларини кенгроқ майдонда эшиттириш имконини беради, гарчи икки ташкилотнинг кун тартиби бир хил бўлмаса ҳам.

Иқтисодий имкониятни натижага айлантириш шартлари

Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази маълумотига кўра, 2025 йили Ўзбекистоннинг Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар, шунингдек, кузатувчи Туркманистон ва Венгрия билан савдо айланмаси 10,8 млрд долларни ташкил этган. Бу мамлакатимиз умумий ташқи савдо айланмасининг тахминан 13 фоизига тенг. Ушбу давлатларга экспорт ҳажми 3,8 млрд доллар бўлгани ҳолда, ҳисоб-китоблар уни яна 2,7 млрд долларга ошириш имконияти мавжудлигини кўрсатмоқда. Бу амалдаги экспорт ҳажмига нисбатан қарийб 71 фоизлик қўшимча салоҳият деганидир. Албатта, бу кафолатланган ўсиш эмас. Мавжуд имкониятни ишга солиш маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги, транспорт харажатларини қисқартириш, савдодаги техник тўсиқларни бартараф этиш ва ишончли ҳамкорлик механизмларини шакллантиришга боғлиқ.

Тўсиқларнинг кўпи расмий келишувларда кўринмайди: сертификатлаш ва техник регламентлар фарқи, ҳар чегарада қайта текшириладиган юк, бир мамлакатда электрон, бошқасида қоғозда талаб қилинадиган ҳужжат. Шундай шароитда қўшма заводнинг рақобат устунлиги йўқолади ва инвестициядан кутилган фойда чекланади.

Давлатимиз раҳбари таклиф қилган “Туркий дунё – 100” дастури юзта қўшма инвестиция ва саноат лойиҳасини шакллантиришга қаратилган. Ўзбекистон учун нодир минералларни чуқур қайта ишлаш, “яшил” энергетика ускуналари ва юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар муҳим. Лекин бу таклиф, тасдиқланган портфель эмас: ҳар бир лойиҳада технология қаердан келиши, маҳсулотни ким сотиб олиши, кадрлар қандай тайёрланиши ва маҳаллий етказиб берувчилар қанчалик иштирок этиши ҳали ҳал бўлмаган.

Туркий инвестиция жамғармаси ушбу ҳамкорликнинг муҳим молиявий институтларидан биридир. Истанбулда жойлашган жамғарма дастлаб 500 млн доллар устав капитали билан ташкил этилган бўлса, 2025 йил февралда унинг капитали 600 млн долларга оширилди. Жамғарма савдо, саноат, транспорт, энергетика, рақамли инфратузилма ҳамда кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилган. Бироқ унинг устав капиталини “Туркий дунё – 100” дастури учун ажратилган тайёр маблағ сифатида баҳолаш тўғри эмас. Ҳар бир лойиҳанинг иқтисодий самарадорлиги, молиявий барқарорлиги ва эҳтимолий хатарлари алоҳида кўриб чиқилади. Шу жиҳатдан 2025 йил февралда жамғарма ва Туркий савдо-саноат палаталари иттифоқи ўртасида имзоланган ҳамкорлик меморандуми ҳам аҳамиятли. У инвестиция лойиҳалари учун ишончли бизнес ҳамкорларини топиш ва молиялаштириш имкониятларини ўзаро боғлашга хизмат қилиши мумкин.

Ҳуқуқий ҳамкорлик масаласида Президентимиз илгари сурган муҳим ташаббуслардан бири тижорат ишлари бўйича кўп томонлама ҳуқуқий ёрдам шартномасини ишлаб чиқиш ва электрон ҳужжат алмашиш платформасини яратиш таклифидир. Анқара декларациясида эса фуқаролик ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдамга оид кўп томонлама шартнома устидаги ишларни давом эттириш назарда тутилган. Бу йўналишда ҳамкорликнинг муайян ҳуқуқий асослари аллақачон мавжуд. Жумладан, Ўзбекистон ва Туркия ўртасида 1997 йилдан буён амал қилаётган икки томонлама шартнома фуқаролик ва савдо ишлари бўйича суд қарорларини ўзаро тан олиш ҳамда ижро этишни тартибга солади. Янги кўп томонлама механизмнинг аҳамияти мавжуд келишувларни умумий қоидалар асосида уйғунлаштириш, ҳуқуқий ёрдам жараёнларини соддалаштириш ва тадбиркорлар учун қулайликларни кенгайтириш имкониятида кўринади. Айниқса, ҳужжатларни электрон алмашиш, сўровларни кўриб чиқиш муддатлари ва суд қарорларини ижро этиш тартибларининг аниқлиги трансчегаравий тижорат муносабатларида ҳуқуқий ишончни мустаҳкамлаши мумкин.

Электрон имзоларни ўзаро тан олиш масаласида Европа Иттифоқининг eIDAS регламенти эътиборга молик тажриба ҳисобланади. У электрон имзоларнинг трансчегаравий ҳуқуқий кучини таъминлаш учун умумий қоидалар билан бирга техник стандартлар ва ишончли рақамли инфратузилма ҳам зарурлигини кўрсатади. Туркий давлатлар ўртасида ҳам шундай механизмни шакллантириш учун битим қабул қилишнинг ўзи етарли бўлмайди. Миллий электрон имзо тизимларининг ўзаро мувофиқлиги, ахборот хавфсизлиги ва ҳужжатларнинг ҳуқуқий мақомини таъминлаш тартиблари ҳам келишилиши лозим.

Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик ҳам амалий аҳамиятга эга. 29 октябрда Анқарада ўтказилган олий даражадаги музокаралар якунида Бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича юқори даражадаги кенгашни таъсис этиш, имтиёзли савдо доирасидаги товарлар рўйхатини кенгайтириш ва божхона орқали ўтадиган товарлар ҳамда транспорт воситалари ҳақида олдиндан электрон ахборот алмашишга оид ҳужжатлар имзоланди. Ушбу келишувлар ТДТнинг кўп томонлама қарорлари эмас, бироқ уларнинг амалда қўлланиши савдо тартибларини соддалаштириш ва рақамли ахборот алмашувини такомиллаштиришда муҳим тажриба бўлиши мумкин. Самарали натижа берган икки томонлама механизмларни кейинчалик туркий давлатлар доирасида кенгроқ муҳокама қилиш учун ҳам асос пайдо бўлади.

Транспорт ва технологиядаги боғлиқлик

Транспорт ҳамкорлигида Ўрта коридор, Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон темир йўли, Зангазур ва Трансафғон йўналишлари алоҳида ўрин тутади. Декларация йўлаклар бўйича умумий стратегия тайёрлашга ва бутун маршрут бўйича юк ташишда узлуксизликни таъминлашга чақиради. Аммо янги темир йўл қурилиши билан юкнинг бозорга ўз вақтида етиб бориши бир нарса эмас: юк чегарада ҳужжат кутса ёки портда контейнер алмаштириш чўзилса, магистралдан кутилган тежам йўқолади. Юкни расмийлаштириш муддатини қисқартириш, электрон рухсатномалар ва e-CMR каби ҳужжатларни ривожлантириш масаласи шунинг учун қўйилган. e-CMR ва электрон рухсатномалар барча мамлакатларда бир хил даражада қўлланилмайди, йўлак самараси шу фарқлар қанчалик қисқаришига боғлиқ.

Президентимиз таклиф қилган “Туркий давлатлар логистика комплекслари тармоғи”ни омбор қуриш билан чеклаб бўлмайди: юк ҳаракати ҳақидаги маълумот, терминал қуввати, контейнер алмашинуви ва ташувчилар масъулияти ягона тизимда боғланиши керак. Фарғона водийсида шарқий темир йўлга хизмат қиладиган қайта ишлаш, омбор ва сервис корхоналарига, ғарбий йўналишларда эса кичик юкларни бирлаштириб жўнатиш ва терминал хизматларига эҳтиёж ортиши мумкин. Лекин ҳар бир объект олдидан ҳақиқий юк оқими ва буюртма ҳажми текширилиши шарт.

Рақамли ҳамкорлик транспортдан алоҳида эмас. Транскаспий оптик толали кабел тармоғи (“Рақамли Ипак йўли”), “Рақамли туркий дунё” концепцияси, сунъий интеллектни бошқариш бўйича маслаҳатлашувлар ва электрон имзоларни тан олишга доир ишлар бир йўналишда ҳаракат қилмоқда. Электрон шартнома ва юк ҳақидаги маълумот бошқа мамлакатда ҳуқуқий ва техник жиҳатдан қабул қилинмаса, рақамлаштиришдан кутилган енгиллик чекланади. Ўзбекистон учун яна бир қирраси бор: ўзбек тилидаги сифатли рақамли маълумотлар, маҳаллий дастурий ечимлар ва киберхавфсизлик мутахассислари шундай ҳамкорликка жалб қилинса, янги бозорлар очилади. Электр ва маълумот инфратузилмаси – Марказий Осиё – Озарбойжон “яшил” энергия йўлаги ва кабел лойиҳалари ҳамкорлик товар ташишдан кенгроқ боғлиқликка таяна бошлаганини кўрсатади, лекин улар бир вақтда ишга тушгани йўқ.



Сардор МАРИПОВ,
O‘zLiDeP Стратегик ва дастурий ҳужжатлар билан ишлаш департаменти раҳбари

Маданият ва инсон капитали соҳасида ҳам муҳим ташаббуслар илгари сурилди. Андижоннинг 2026 йилда Туркий дунёнинг маданий пойтахти деб эътироф этилиши, Туркий академиянинг умумтуркий алифбо бўйича тавсиялари ва Президентимиз таклиф этган “Умумтуркий сўзлар луғати” маданий яқинликни таълим, таржима технологиялари ва рақамли тил ресурслари билан боғлаш учун янги имкониятлар очади.

Туризм соҳасида ID-карталар асосида ўзаро сафар қилишга оид кўп томонлама битим ва “Туркий туризм альянси”ни ташкил этиш таклифлари алоҳида аҳамиятга эга. Тошкентнинг 2027 йилда Туркий дунёнинг туризм пойтахти деб эътироф этилиши эса қўшма туристик маршрутларни ривожлантириш, авиақатновларни кенгайтириш ва сайёҳлик хизматлари сифатини ошириш учун қўшимча имконият яратади.

Президентимиз “Янги Ўзбекистон стипендияси” доирасида туркий давлатлар ёшлари учун ҳар йили 200 та таълим гранти ажратишга тайёрлигини билдирди. Бу ташаббусни туризм, муҳандислик, логистика ва рақамли иқтисодиёт соҳалари учун малакали кадрлар тайёрлаш билан боғлаш келгусида қўшма лойиҳаларни амалга оширишга хизмат қилиши мумкин.

Шаҳарсозлик соҳасида эса 2027 йили Ўзбекистонда ТДТга аъзо давлатларнинг уй-жой ва барқарор урбанизация масалаларига масъул вазирлари учрашувини ўтказиш таклифи қўллаб-қувватланди. Янги Тошкентни 2030 йилги Бутунжаҳон шаҳар форумига мезбон сифатида илгари суриш ташаббуси ҳам ижобий қабул қилинди. Бу борада тегишли халқаро танлов ва ташкилий жараёнлар ҳали олдинда.

O‘zLiDeP учун янги вазифалар

Анқара декларацияси қоидаларининг партия учун аҳамияти шундаки, унинг асосий электорати бўлган тадбиркорлар бозорга кириш, экспорт ҳужжати, транспорт тарифи ва шартнома кафолати билан ҳар куни ишлайди. Халқаро ҳужжат миллий даражага тушмагунча тадбиркорга ҳеч нарса бермайди, миллий даражада эса уни қонун, бюджет қарори ва идоравий тартиб ҳал қилади. Партиянинг ўрни айнан шу ўтиш босқичида: қайси масалада парламент, маҳаллий кенгашлар ва тадбиркорлар тажрибаси туташишини аниқлаш ва уни қарор қабул қилувчига етказиш.

Биринчиси – экспортчилар дуч келаётган тўсиқларни тизимли ўрганиш. Туркий давлатлар бозорида ишлаётган тадбиркорлардан қайси маҳсулотга қандай сертификат талаб қилинаётгани, қайси чегарада қанча вақт йўқотилаётгани, электрон ҳужжатлар нима сабабдан қайта қоғоз шаклида сўралаётгани ҳақида аниқ маълумотларни тўплаш зарур. Ҳар бир ҳолат мамлакат, товар, муддат ва харажат билан ёзилса, у шикоятдан асосли таклифга айланади. Партия бу маълумотни Савдо-саноат палатаси ва соҳавий уюшмалар билан солиштириб, фракциянинг депутатлик сўрови орқали масъул идораларга киритиши, жавоб муддати ва натижани очиқ кузатиши мумкин. Бунда у ваколатли идоранинг ўрнини эгалламайди: давлатлараро шартнома тузиш ваколати тегишли давлат органларида қолади, партия эса таклифнинг асосли бўлишини таъминлайди.

Иккинчиси – қонунчилик таҳлили ва парламент назорати. Фуқаролик ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдамга оид халқаро шартнома ратификациясига киритилганда O‘zLiDeP фракцияси унинг тадбиркорлар учун қандай қўшимча кафолатлар яратишини, амалдаги икки томонлама ва кўп томонлама шартномалардан қайси жиҳатлари билан фарқ қилишини атрофлича ўрганиши зарур. Электрон имзоларни ўзаро тан олишга оид битимнинг ратификация қилиниши эса унинг мазмуни ва ҳуқуқий мақомига боғлиқ. Бу масалаларнинг чуқур таҳлил қилиниши парламент муҳокамаларида аниқ ва асосли таклифларни илгари суриш имконини беради.

Учинчиси – ҳудудий кесим. Транспорт йўлаги ёки саноат занжирининг фойдаси республика бўйича бир хил тақсимланмайди. Фарғона водийси шарқий темир йўл билан боғлиқ логистика ва қайта ишлашда, Навоий ва бошқа саноат марказлари юқори қўшилган қийматли ишлаб чиқаришда, хизмат салоҳияти кучли шаҳарлар туризм ва савдода ўз имкониятини кўради. Маҳаллий кенгаш депутатлари аниқ юк ва буюртма ҳажмларига таяниб ҳудудий баҳо берса, партия тайёр инвестиция портфелини эмас, мутахассислар ва бизнес вакиллари учун дастлабки таҳлилий асос тақдим этади.

Тўртинчи йўналиш – хорижий партиялар тажрибасини ўрганиш ва халқаро ҳамкорликни кенгайтириш. Бу борада Туркиянинг Адолат ва тараққиёт партияси (AK Parti) тажрибаси эътиборга молик. Партия таркибида 2025 йили Туркий давлатлар билан алоқалар бўйича алоҳида бошқарма ташкил этилиб, унга Бош раис ўринбосари Куршад Зорлу раҳбар этиб тайинланган. Бу туркий давлатлар сиёсий партиялари билан ҳамкорликни тизимли равишда олиб боришга қаратилган ташкилий ёндашувдир.

O‘zLiDePнинг бу борада муайян тажрибаси ва ҳамкорлик алоқалари мавжуд. Жумладан, Туркиянинг AK Parti партияси билан 2025 йил 9 сентябрда имзоланган меморандум ва 2026 йил 7 июлдаги учрашув, шунингдек, Озарбойжоннинг “Янги Озарбойжон” партияси билан тузилган ҳамкорлик меморандуми партияларо муносабатларни ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда. Энди ушбу алоқаларни аниқ амалий ишлар билан бойитиш зарур. Хусусан, тадбиркорларнинг ташқи бозорларга чиқишидаги тўсиқларни биргаликда ўрганиш, қўшма саноат лойиҳалари ва рақамли савдо бўйича экспертлар мулоқотини ташкил этиш, партиялар ҳузуридаги таҳлилий марказлар ўртасида доимий ҳамкорликни йўлга қўйиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Шу билан бирга, Қозоғистон ва Қирғизистондаги сиёсий партиялар билан ҳамкорликни кенгайтириш, туркий давлатлар партиялари ўртасида иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича тажриба алмашишнинг мунтазам механизмларини шакллантириш O‘zLiDeP халқаро фаолиятининг навбатдаги вазифаси бўлиши лозим.

Бешинчиси – ижрони кузатиш. “Ақл маркази”нинг энг амалий иши – ТДТ қарорларининг ҳақиқий мақомини мунтазам белгилаш: 2027–2031 йиллар стратегияси якунландими, электрон имзо бўйича битим имзоландими, жамғарма қайси соҳаларда лойиҳа молиялаштирмоқда, “Туркий дунё – 100” бўйича дастлабки саралланган лойиҳалар борми? Бу саволларга манбали жавоб тадбиркор ҳам, депутат ҳам таяна оладиган маълумот бўлади, унинг асосий фазилати эса ташаббусни қабул қилинган қарор деб кўрсатмаслигидир.

Анқара саммити туркий ҳамкорлик қайси нуқтада турганини кўрсатди: сиёсий ҳамкорликнинг ташкилий асослари мустаҳкамланмоқда, иқтисодий шерикликнинг умумий қоидалари эса босқичма-босқич шаклланмоқда. Ўзбекистон таклифлари бу жараённинг саноат, транспорт, ҳуқуқ ва инсон капиталига оид йўналишларини қамраб олган. Ушбу ташаббусларнинг амалий натижаси кўп жиҳатдан янги тартибларни дастлаб икки томонлама ҳамкорликда синаб кўриш ва уларни тадбиркорлар ҳамда ҳудудларнинг аниқ эҳтиёжлари билан боғлашга боғлиқ. O‘zLiDePнинг ҳиссаси шу ерда ўлчанади: халқаро ҳужжатдан миллий даражада амалиётга киритиш мумкин бўлган таклиф чиқара олишида.

МАНЗИЛИМ – ЛИМОНЧИЛАР МАҲАЛЛАСИ

дейди қамашилик Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими **Абдуманнон Худойбердиев**

Баъзан инсон тақдирини ўзгартириш учун катта сармоя ҳам, баланд лавозим ҳам, узоқ йиллик изланиш ҳам шарт эмас. Шунчаки, бир оғиз оқилона маслаҳат, бир инсоннинг ишончи ва ўз кучига бўлган қатъий эътиқод кифоя қилади. Муҳими, имконият эшиги очилганида уни кўра билиш ва остонадан дадил ҳатлай олиш керак бўлади.

Қамаши туманидаги Қорақўтон қишлоғида яшовчи Абдуманнон Худойбердиевнинг ҳаёт йўли бунга яққол мисол. Бугун йилига 15 минг дона лимон кўчати етиштириб, 200 миллион сўм даромад топаётган, ўз тажрибаси билан ўнлаб ёшларнинг тадбиркорлик йўлини очаётган бу инсоннинг муваффақияти бир куннинг ёки бир йилнинг маҳсули эмас. Унинг ортида устоз ишончи, деҳқонга хос сабр, изланиш ва энг муҳими, бошлаган ишидан ортга қайтмаслик иродаси мужассам.



Ҳаммаси шундай бошланган эди...

Ўн йилча аввал Абдуманнон ҳам қишлоқдаги бошқалар қатори деҳқончилик билан кун кечирарди. Ерга меҳр қўйган, ризқини тупроқдан излаётган оддий деҳқон йигити учун томорқа нафақат даромад манбаи, балки оиласи фаровонлигининг асосий таянчи эди.

Бир куни уни қишлоқдоши, эл орасида машҳур лимончи Парда бобо Шерматов ҳузурига чорлаб қолди.

– Ўғлим, биласан, қишлоғимиз одамлари учун деҳқончилик ота-боболаримиздан мерос касб. Кўпчиликнинг ризқи шу тупроққа боғлиқ. Аммо бир нарсани унутмаслик керак: ердан барака олиш учун фақат меҳнатнинг ўзи камлик қилади, янгиликка ҳам интилиш лозим. Қара, қишлоғимизда лимончилик ривожланяпти. Лимон етиштириб, рўзғорини обод қилаётганлар кўпайди. Қурилаётган янги уйлар, олинаётган машиналарнинг ортида ҳам ана шу заҳматли меҳнат турибди.

Абдуманнон устозини диққат билан тинглаб, иккиланганча нимтатир эътироз билдирган бўлди:

– Деҳқончиликдан ҳам ёмон даромад қилаётганим йўқ-ку, бобо. Лимон етиштириш қўлимдан келармикин?

Парда бобо эса унинг зиммасига бошқа бир вазифани юкламоқчи эди.

– Мен сенга лимон етиштиришдан ҳам кўра муҳимроқ бир ишни таклиф қилмоқчиман. Кўриб турибсан, қишлоғимизда лимон кўчатига талаб катта. Одамлар кўчатни бошқа ҳудудлардан қиммат нархда олиб келишяпти. Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам бизнинг иқлимга мос келавермайди. Оқибатда кўчат кўкармайди, одамларимиз меҳнатига ҳам, пулига ҳам куйяпти. Нега энди ўзимизда сифатли, маҳаллий шароитга мос кўчат етиштирмаслигимиз керак!?

Абдуманнон бу таклифнинг моҳиятини англаб борарди. Бироқ янги ишни бошлаш осон эмасди:

– Билмадим, бобо. Ишим ўхшамаса-чи? Ер ҳам, меҳнат ҳам беҳуда кетади. Биласиз, оиламизнинг тирикчилиги шу деҳқончиликка боғлиқ.

Шунда Парда бобо унга далда берди:

– Ҳеч иккиланма, ўғлим. Бу ишни уддалайсан. Сен миришкорнинг ўғлисан, тупроқнинг тилини тушунасан. Ўзим сенга ҳамма сирларни ўргатаман. Лимон ҳосили териб олингач, дарахтларга шакл берилади. Ана шу пайтда эркак новдалардан қаламчалар тайёрлайсан. Томорқанг катта. Дастлаб икки сотих майдонда бошла. Кейин имкониятингга қараб кенгайтириб борасан. Зарур бўлса, мендан, ўғлим Бахтиёрдан, тажрибали лимончи Тўхта бобо Очиловдан маслаҳат оласан. Биз ёрдам берамиз. Ишинг юришиб кетса, дуо қиларсан. Насиб этса, кўрасан, ҳали миллионер, йўғ-е. миллиардер бўлиб кетасан!..

Бу суҳбатда бир устознинг шогирдига берган маслаҳатидан кўра каттароқ маъно бор эди. Парда бобо унга шунчаки кўчат етиштиришни эмас, имкониятни кўришни, тавваккал қилишни, меҳнат орқали ўз тақдирини ўзгартиришни ўргатаётганди.

Абдуманнон устознинг дуосини олиб, турмуш ўртоғи Иқбол Бойбулова билан янги ишга киришди.

Албатта, дастлабки қадамлар кутилганидек осон кечмади. Биринчи йил айрим хатоларга йўл қўйилди, тажрибасизлик сабабли даромад ҳам кўнгилдагидек бўлмади. Аммо у бошлаган ишидан воз кечмади. Аксинча, камчиликлардан хулоса чиқарди, яна устозларидан маслаҳат олди ва ишнинг нозик жиҳатларини ўрганишда давом этди.

Иккинчи йили қаламча экиладиган майдонни уч сотихга етказди. Кўчатларни ўз вақтида суғориш, озиқлантириш, уларни касаллик ва зараркунандалардан асрашга алоҳида эътибор қаратди. Ҳар бир қаламчанинг ўсиши, ҳар бир кўчатнинг илдиз отиши унинг учун янги тажриба, янги сабоқ эди.

Йиллар ўтгани сайин меҳнатнинг самараси кўрина бошлади. Дастлаб саноқли бўлган харидорлар кўпайди. Абдуманнон етиштирган кўчатлар нафақат Қорақўтонда, балки бошқа ҳудудларда ҳам харидоргир бўла борди. Бугун эса ўша иккиланиб турган деҳқон йигити йилига 15 минг дона эртапишар ва серҳосил “Мир”, “Тошкент Ф-1” навли лимон кўчатларини етиштириб, бир мавсумда 200 миллион сўмдан кўпроқ даромад топмоқда.

Тупроқнинг тилини топиш осонми?

Деҳқончиликда натижага эришишнинг сири фақат ер майдонининг катталигида эмас. Ердан қандай фойдаланиш, қайси экинни экиш, уни қандай парваришлаш ва бозор талабини қай даражада ҳисобга олишда ҳамдир.

Абдуманнон Худойбердиев бу ҳақиқатни ўз тажрибасида англади. У лимон кўчати етиштиришни оддий ҳавас ёки мавсумий машғулот сифатида эмас, муайян билим, маҳорат ва масъулият талаб қиладиган касб сифатида ўзлаштирди.

– Кўчат етиштиришда энг муҳими – қаламчани тўғри танлаш, уни ўз вақтида экиш ва парваришини бир лаҳза ҳам эътибордан четда қолдирмаслик, – дейди у. – Қаламча ҳам худди боладек: дастлабки даврида унга қанчалик эътибор берсангиз, кейин шунчалик яхши натижа оласиз. Суғориш, озиқлантириш, ҳарорат ва намликни меъёрида сақлашнинг ўз қоидалари бор. Шу талабларга амал қилинса, кўчат сифатли бўлади, харидор ҳам рози бўлади.

Қамашининг Қорақўтон қишлоғида шаклланган лимончилик тажрибасининг ўзига хос жиҳатларидан бири ҳам шундаки, бу ерда иссиқхоналарни сақлашда ортиқча харажат талаб қилмайдиган усуллардан фойдаланилади.



Лимон экиладиган майдон чуқурроқ қазилиб, икки қават плёнка билан ёпилади. Шу орқали ички муҳитдаги ҳароратни нисбатан барқарор сақлаш имконияти яратилади. Кўчатлар оралиқ масофага риоя қилинган ҳолда экилади. Улар ҳосилга киргунга қадар бўш майдонлардан унумли фойдаланиб, сабзавот ва кўкатлар ҳам етиштирилади.

Энг муҳими, ушбу усулда лимонарийни иситиш учун табиий газ, электр энергияси ёки кўмир сарфланмайди. Бу эса ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва етиштирилаётган маҳсулот таннархини мақбул даражада сақлашга хизмат қилади.

Демак, Қорақўтондаги тажрибанинг асосида фақат лимон етиштириш эмас, балки мавжуд ресурслардан оқилона, ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланиш ва кам харажат билан кўпроқ натижага эришиш тамойили ётибди.

– Бизнинг қишлоқда лимончилик оддий хўжалик машғулотидан кўра кенгроқ маъно касб этган. Бу ерда етти ёшдан етмиш ёшгача ҳамма лимон парваришлашни яхши билади. Аксар хонадонларда лимон етиштирилади. Масалан, битта уйда бир неча туп лимон бўлса, бошқасида бутун бошли лимонарий бор. Ҳар ким ўз имкониятига қараб ишлаяпти, – дейди Абдуманнон.

Дарҳақиқат, бугун Чим маҳалласига қарашли Қорақўтон қишлоғидаги 200 га яқин хонадон лимончилик билан шуғулланмоқда. Улар йилига 100 тоннадан ортиқ сифатли лимон етиштириб, ички бозорга етказиб бермоқда.

Бу рақамлар ортида бир қишлоқ аҳолисининг кўп йиллик меҳнати, авлоддан авлодга ўтиб келаётган деҳқончилик маданияти ва янги имкониятларга интилиши мужассам. Энг муҳими, лимончилик кўплаб хонадонлар учун қўшимча даромад манбаи, айримлари учун эса асосий тирикчилик воситасига айланган.

Ҳосил етиштиришнинг ўзи кифоя эмас

Деҳқончиликда бир ҳақиқат бор: ҳосилни етиштириш – ишнинг ярми, уни ўз вақтида ва муносиб нархда сотиш эса яна бир катта меҳнат.

Қорақўтонлик лимончилар ҳам узоқ йиллар давомида айнан шу муаммога дуч келишган. Лимон пишиб етилгач, маҳсулотни тезроқ сотишга шошилишарди. Сабаби одий: уни узоқ вақт сифатини йўқотмаган ҳолда сақлаш имконияти чекланган эди.

Бу эса айрим ҳолларда деҳқон маҳсулотини ўзи истаган нархда эмас, харидор таклиф қилган баҳода сотишга мажбур қиларди.

Қизиғи шундаки, Китоб туманидаги ўша машҳур анорчилар қишлоғи Варганза қишлоғининг устомон тадбиркорлари бу имкониятдан фойдаланиб, лимон ҳосилини харид қилишар, махсус совиткичларда сақлаб, кейинчалик Россия ва Қозоғистон бозорларига экспорт қилишарди. Шу тариқа улар йил давомида ички бозорни ҳам маҳсулот билан таъминлаш имкониятига эга бўлганлар.

Қорақўтонликлар учун эса бу тажриба муҳим сабоқ эди: маҳсулотни етиштириш билан бирга уни сақлаш, саралаш, қадоқлаш ва бозорга етказиб бериш тизимини ҳам ривожлантириш зарур.

Бугун бу борада ҳам янги имконият пайдо бўлмоқда. Чим қишлоғидаги лимон кўчатчилиги маркази ёнида 200 тонна сиғимга эга замонавий совиткич ишга туширилди.

Бу иншоот лимончилик билан шуғулланаётган деҳқонлар учун оддий омборхона эмас. У ҳосилни шошилинч сотиш заруратини камайтириш, маҳсулот сифатини сақлаш ва экспорт географиясини кенгайтиришга хизмат қилиши мумкин бўлган муҳим инфратузилма ҳисобланади.

Эндиликда туманда етиштирилаётган лимон маҳсулотларини мазкур совуткичда сақлаш ва хорижий бозорларга экспорт қилиш имкониятларини кенгайтириш режалаштирилмоқда.

Зеро, замонавий деҳқончилик фақат ҳосилдорлик билан ўлчанмайди. Етиштирилган маҳсулотнинг истеъмолчига қай тарзда, қайси бозорда ва қандай қийматда етиб бориши ҳам муҳим. Деҳқоннинг меҳнати муносиб баҳоланиши учун етиштиришдан тортиб, сотувгача бўлган жараён узвий ишлаши керак.

Мана сизга имконият!

Абдуманноннинг фаолиятида эътиборга молик яна бир жиҳат бор. У эгаллаган тажрибасини фақат ўз хонадони ёки шахсий манфаати билан чеклаб қўйгани йўқ.

Бугун унинг хонадонидан одамлар аримайди. Қашқадарё воҳасининг турли ҳудудларидан, шунингдек, бошқа вилоятлардан ҳам лимончиликка қизиққан кишилар келиб, маслаҳат сўрашади. Кимдир кўчат экиш тартибини ўрганмоқчи, яна кимдир иссиқхона ташкил этиш, бошқаси эса лимон дарахтига шакл бериш ва уни озиқлантириш усуллари билан қизиқади.

Абдуманнон ҳеч кимни қуруқ қайтармайди. Имкони бўлса, ўзи ўша ҳудудга бориб кўчат экиб беради, парваришлаш қоидаларини тушунтиради, кейинги жараёнда ҳам маслаҳатини аямайди.

Унинг шогирдлари орасида Самарқанд, Сурхондарё, Бухоро ва бошқа вилоятларда лимончиликни йўлга қўйиб, бугун ўз хўжалигини ривожлантираётган, яхши даромад топаётган тадбиркорлар кўп. Улар устозлари билан доимий алоқада бўлиб, тажриба алмашиб турадилар.

Аслида бу ҳам тадбиркорликнинг ўзига хос бир қирраси. Чунки ҳақиқий муваффақият фақат қанча даромад топиш билан эмас, ўзинг орттирган билим ва тажриба орқали яна қанча инсоннинг ҳаётида ижобий ўзгариш ясай олишинг билан ҳам ўлчанади.

Абдуманноннинг фикрича, лимончиликни ўрганиш учун катта маблағдан кўра, аввало, иштиёқ, меҳнатсеварлик ва ўрганишга тайёрлик керак.

– Қайси ҳудуддан таклиф қилишмасин, боришга ҳаракат қиламан. Чунки бировга кўчат экишни, уни парваришлашни ўргатсангиз, эртага у ҳам ўз оиласи учун даромад манбаи яратади. Энг муҳими, одам ишсизликдан қутулади, ўз меҳнати билан ризқ топишни бошлайди. Мен бунинг натижасини шогирдларим мисолида кўряпман. Бир вақтлар мендан маслаҳат сўраб келган йигитлар бугун ўзлари бошқаларга иш ўргатадиган даражага етди. Бундан ортиқ қувонч бўлмаса керак, – дейди у.

Ушбу фикрларда тадбиркорликнинг яна бир муҳим қонунияти намоён бўлади: билим ва тажриба улашилгани сари имкониятлар ҳам кўпаяди. Бир хонадонда бошланган иш бошқа хонадонга кўчади, бир кишининг ташаббуси эса бутун маҳаллада янги даромад манбалари пайдо бўлишига туртки беради.

Меҳнатдан фаровонликка, ташаббусдан бандликка

Бугун мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, ҳудудларнинг мавжуд имкониятларидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада амалга оширилаётган ишлардан кўзланган асосий мақсад – инсоннинг ўз салоҳиятини намоён этиши, ташаббусини рўёбга чиқариши ва муносиб даромад топиши учун шароит яратишдир.

Бироқ яратилган имкониятнинг ўзи ҳали натижа дегани эмас. Уни кўра билиш, ундан оқилона фойдаланиш ва ташаббусни амалий ишга айлантириш ҳам керак.

Абдуманнон Худойбердиевнинг ҳаёт йўлида ана шу икки омил – яратилган имконият ва инсоннинг шахсий интилиши бир-бирини тўлдириб келмоқда.

Унинг ташаббуслари энди шахсий хўжалик доирасидан чиқиб, маҳалладаги ишсиз аҳолини касбга йўналтириш, ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш билан боғлиқ кенгроқ мақсадларга хизмат қилмоқда. Абдуманноннинг ҳаётидаги энг унутилмас воқеалардан бири эса давлатимиз раҳбарининг яқиндагина Қашқадарё вилоятига ташрифи билан боғлиқ бўлди.

Шу йил бошида Чим маҳалласида тўрт гектарлик иссиқхона барпо этилаётганидан хабар топган Абдуманнон кўп ўтмай, ушбу майдонда лимон кўчатлари экиш таклифини олди. Келишувга мувофиқ, у ўз хўжалигида етиштирган тўрт минг туп лимон кўчатини мазкур иссиқхонага экиб берди. Кейинчалик кўчатларни парваришлашда ҳам кўмаклашишни сўрашди. Иссиқхона майдони маҳалладаги ёшларга бўлиб берилгач, Абдуманнон уларга ҳам ўз тажрибасини ўргатиб, амалий ёрдам бериб келмоқда.

Президентимизнинг вилоятга ташрифи чоғида Чим маҳалласида амалга оширилаётган ишлар, жумладан, мазкур иссиқхона фаолияти билан ҳам танишди. Шу жараёнда давлатимиз раҳбари Абдуманнон билан суҳбатлашиб, унинг лимончилик борасидаги тажрибаси ва меҳнати билан қизиқди.

– Ростини айтсам, бу учрашув мен учун кутилмаган ва унутилмас воқеа бўлди. Оддий бир боғбон йигитнинг меҳнатига Президентнинг шахсан эътибор қаратиши, фаолиятим билан қизиқиши менга катта руҳий куч бағишлади. Суҳбатимиз давомида давлатимиз раҳбари меҳнатимни муносиб баҳолаш зарурлигини таъкидлади. Эртаси куни бўлиб ўтган йиғилишда эса “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими” фахрий унвони билан тақдирланганимни эшитиб... кўзларим ёшга тўлди. Сабаби, ўша лаҳзада кўз олдимга шундай улкан муваффақиятларга эришиш йўлида тортган заҳматлар, машаққатлар келди.

Очиғини айтишим керак, бундай юксак эътирофга лойиқ кўрилишим ҳеч қачон хаёлимга келмаган. Ҳаяжондан нима дейишни билмай қолдим, кўзларимга қувонч ёшлари келди. Ахир оддий бир боғбоннинг йиллар давомида қилган меҳнатига шахсан давлатимиз раҳбари даражасида эътибор қаратилиши, унинг қадр топиши ҳар қандай инсонга қанот бағишлайди. Буни, аввало, мамлакатимизда инсон меҳнатига, тадбиркорлик ташаббусларига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг амалий ифодаси деб биламан. Бунинг учун Шавкат Миромоновичга чексиз миннатдорлик билдираман. Энди зиммамда янада катта масъулият бор. Эътирофга муносиб бўлиш учун янада кўпроқ меҳнат қилишим, орттирган тажрибамни ёшларга ўргатишим, лимончилик ривожига ҳисса қўшишим керак, – дейди Абдуманнон Худойбердиев.

Дарҳақиқат, меҳнатнинг қадр топиши инсонга нафақат қувонч, балки янги масъулият ҳам юклайди. Абдуманнон учун бу мукофот йиллар давомидаги изланиш ва оғир меҳнатнинг эътирофи бўлиш билан бирга, олдида турган янги марралар сари чорлов ҳам бўлди.

Айни пайтда у ўз тажрибасини оммалаштириш мақсадида партия депутатлари ва фаоллари иштирокида тарғибот-ташвиқот тадбирларини ташкил этишда қатнашмоқда. Ушбу тадбирларга маҳалладаги ишсиз ёшлар ва хотин-қизлар таклиф қилиниб, лимон кўчати етиштириш, иссиқхона ташкил этиш ва ҳосил олиш бўйича амалий тавсиялар берилмоқда.

Эътиборлиси, ўтган даврда лимончилик билан шуғулланиш истагини билдирган йигитмага яқин ишсиз ёшга иссиқхона ташкил этиб, фаолиятини бошлаши учун молиявий кўмак ажратилган. Улар ҳам ўз меҳнати орқали даромад топиш йўлига кирмоқда.

Бу жараённинг аҳамиятини биргина рақам билан баҳолаб бўлмайди. Зеро, иш бошлаган ҳар бир ёш оиласига кириб келаётган янги даромад ва маҳалла иқтисодиётига қўшилаётган ҳиссадир.

Абдуманноннинг олдига қўйган мақсади ҳам шу: Қорақўтонда шаклланган сулолавий лимончилик тажрибасини бошқа ҳудудларда ҳам оммалаштириш, цитрус мевалар етиштириш ҳажмини кўпайтириш, янги иш ўринларини яратиш ва сифатли маҳсулотларни ташқи бозорларга чиқаришга кўмаклашиш.

СЎНГГИ СЎЗ ЎРНИДА:

Бугун Қорақўтонга назар ташласангиз, лимончиликнинг бир қишлоқ ҳаётига қанчалик сингиб кетганини англаш қийин эмас. Бир хонадонда кўчат етиштирилади, бошқасида лимон парваришланади, яна бирида ҳосил тайёрланиб, бозорга чиқарилади. Бу жараёнда ёшлар ҳам, катталар ҳам меҳнат қилмоқда.

Абдуманнон Худойбердиевнинг фаолияти эса ана шу имкониятларни янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда. У бир вақтлар Пардa бободан олган ишонч ва сабоқни бугун бошқаларга улашяпти. Устозининг унга қилган яхшилигини энди ўзи шогирдлари ва ҳамқишлоқлари учун такрорлаяпти.

Балки, унинг ҳаётидаги энг катта ютуқ ҳам шу бўлса керак. Ахир инсоннинг бойлиги фақат ҳисобидаги маблағ билан ўлчанмайди. Унинг ортидан эргашган шогирдлари, ишонч билдирган одамлари, меҳнати туфайли рўзғори обод бўлган оилалар ҳам унинг ҳақиқий бойлигидир.

Ушбу ҳаётий тажрибадан чиқариладиган хулоса оддий: ҳар қандай имкониятни кутиб ўтириш эмас, уни излаш, кўра билиш ва ишга солиш керак. Чунки бир инсоннинг ташаббуси бир оиланинг фаровонлигига, бир оиланинг муваффақияти эса бутун маҳалланинг тараққиётига хизмат қилиши мумкин.

Сайфулла ИКРОМОВ,
“XXI asr” мухбири

“ИШБИЛАРМОН АЁЛ”

Мулоқот ва тажриба майдони

Бугунги кунда ўзбек аёли нафақат оила чироғи, балки мамлакат иқтисодиётини ҳаракатлантирувчи, юзлаб оилаларга даромад ва келажакка ишонч улашаётган бунёдкор куч сифатида майдонга чиқмоқда. Айнан ана шундай ташаббускор, ижодкор ва фидойи хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида O‘zLiDePнинг “Ишбилармон аёл” кўрик-танловининг ҳудудий-республика босқичлари кўтаринки руҳда ўтказилмоқда. Тадбирларда турли соҳаларда муваффақиятли фаолият юритаётган ишбилармон хотин-қизлар ўз маҳсулотлари, инновацион лойиҳалари ва амалий натижалари билан иштирок этишяпти. Иштирокчиларнинг тадбиркорлик ташаббуси, меҳнатсеварлик ва жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш истаги яққол намоён бўлмоқда. Қувонарлиси, танлов нафақат аёлларнинг меҳнатини эътироф этиш, балки уларнинг тажрибасини кенг оммалаштириш, истиқболли ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳамда янги имкониятлар сари рағбатлантиришда муҳим мулоқот ва тажриба майдонига айланмоқда.

ФАРҒОНА

“Ишбилармон аёл” кўрик-танлови вилоятнинг 1 014 та маҳалласини қамраб олди. Ушбу жараёнда 6 мингдан зиёд тадбиркорнинг фаолияти ўрганилди. Уларнинг 1,5 мингдан зиёди туман ва шаҳар босқичларида ўзаро беллашдилар ва ғолиб бўлган 27 нафар фаол тадбиркор хотин-қиз вилоят – республика ҳудудий босқичида ўз бизнес фаолияти ва тайёрлаган маҳсулотлари кўргазмасини намойиш этди. Кўргазма нафақат тадбиркор аёлларнинг меҳнатини кенг жамоатчиликка танитиш, балки янги бизнес бошлаш истагидагилар учун чинакам амалий тажриба мактаби вазифасини ўтади.



Фарғона шаҳридаги “Fergana digital hub” марказида ўтган тадбирда **O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Актам Хаитов, партия аппарат раҳбари Жамолиддин Мелибоев, Фарғона вилоят кенгаши раиси Раҳматилло Камолов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари – Гулчеҳрахон Жўраева, Шуҳрат Шарофутдинов, Раҳматилло Шукуров,** тадбиркорлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Актам ХАИТОВ,
O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши
Ижроия қўмитаси раиси:

– Мамлакатимизда хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш, уларнинг жамиятдаги ўрни ва иқтисодий фаоллигини ошириш Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг энг муҳим ва устувор мақсадларидан биридир. Фарғона вилоятида ўтказилган ушбу кўрик-танлов бу борадаги хайрли ва эзгу ишларимизнинг амлий ифодаси бўлди.

Танловнинг маҳаллалардан тортиб, вилоят босқичигача бўлган жараёнларида 6 мингдан зиёд аёлларимиз ўз лойиҳалари ва бизнес ғоялари билан фаол иштирок этгани жуда қувонарли. Уларнинг тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ўзбек аёли нафақат оила фаровонлигини таъминлашга, балки маҳсулотларини жаҳон бозорига олиб чиқиб, юзлаб хотин-қизларни иш билан таъминлашга ҳам тўлиқ қодир.



Партиямиз томонидан тадбиркор аёлларни, хусусан, қишлоқ жойларда янги иш ўринлари яратаётган, ҳунар ўргатаётган ташаббускор опа-сингилларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларга кенг имкониятлар яратиш ишлари изчил давом эттирилади. Танлов ғолибалари ва барча иштирокчиларимизга келгуси фаолиятларида улкан муваффақиятлар тилайман.

Натижаларга кўра, ҳакамлар ҳайъатининг қарори билан катталар ва болалар кийимларини ишлаб чиқарувчи “Brother and sister” МЧЖ раҳбари Адолатхон Мелиева танловнинг Фарғона вилояти республика ҳудудий босқичи ғолиби деб топилди. Унинг тадбиркорлик соҳасидаги фаолияти, меҳнат жамоасини шакллантириш ва аҳоли бандлигини таъминлашга қўшаётган улкан ҳиссаси алоҳида эътироф этилди.

Адолатхон МЕЛИЕВА,
“Brother and sister” МЧЖ раҳбари,
танлов ғолиби:

– Соҳага устозим Ёқутхон Раҳмонова билан биргаликда кириб келганмиз. Фаолиятимизни бошлаганимизда қўлимизда бор-йўғи иккита тикув машинаси ва бир нечта буюртмамиз бор эди. Оддийгина кичик чевархонада ўтириб, келажакда катта ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этиш, қишлоқ аёлларини иш билан таъминлаш ва улар тикқан маҳсулотларни жаҳон бозорига олиб чиқишни орзу қилардик.

2017 йилда 20 та иш ўрнига эга кичик корхонамизни ташкил этдик. Меҳнатимиз ва қатъиятимиз натижасида 2019 йилда 120 та иш ўрнига эга тикув-трикотаж цехимизни ишга туширдик. Ногиронлиги бўлган, “Аёллар дафтари”да рўйхатда турган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож кўплаб хотин-қизларни иш билан таъминладик. Айни пайтда корхонамизда 60 га яқин ишчи-ходим меҳнат қилмоқда.

Сўнгги беш йил давомида маҳсулотларимизни экспорт қилиб, халқаро бозордаги ўрнимизни мустаҳкамлаб келмоқдамиз. Бугунги кунда бошқа туманларда истиқомат қилувчи 300 га яқин опа-сингилларга касбим сирларини ўргатяпман. Ҳозирда мактабларнинг 9, 10 ва 11-синф ўқувчи қизларини касб-ҳунарга йўналтириш ишларини ҳам олиб боряпмиз.

Ҳақиқий муваффақият — бу қанча маҳсулот ишлаб чиқарганимиз эмас, балки қанча инсоннинг ҳаётини яхши томонга ўзгартира олганимиздир!

Раҳматилло КАМОЛОВ,
O‘zLiDeP Фарғона вилоят кенгаши раиси:

– Кўрик-танловнинг вилоят босқичи ҳудудимизда тадбиркор хотин-қизлар ҳаракати янги босқичга кўтарилганини яна бир бор амалда исботлади. Мингдан ортиқ маҳаллани қамраб олган, 6 минг аёл иштирок этган бундай кенг кўламли тадбир – вилоятимиздаги иқтисодий ва ижтимоий фаолликдан дарак.

Танлов ғолиби, “Brother and sister” МЧЖ раҳбари Адолатхон Мелиеванинг босиб ўтган йўли хотин-қизларимиз учун чинакам ибрат ва тажриба мактабидир. Иккита тикув машинасидан бошланиб, юзлаб аёллар ва қизларнинг бандлигини таъминлаш, уларни халқаро бозорга чиқиш даражасига олиб келиш сиёсий кучимиз илгари сураётган ғоя ва ташаббусларнинг ёрқин натижасидир.

Салоҳиятли, интилувчан ва фидойи аёлларимизни қўллаб-қувватлаш, уларнинг бизнес ташаббусларига кенг йўл очиш ва янги иш ўринларини яратиш борасидаги ишларимизни бундан буён ҳам тизимли равишда изчил давом эттирамиз.

O‘zLiDeP Фарғона вилоят кенгаши
матбуот хизмати

ҚАШҚАДАРЁ

Танловнинг Қарши шаҳрида ўтган вилоят ҳудудий республика босқичида ҳакамлар ҳайъати воҳанинг 16 та туман ва шаҳридан келган тадбиркор, ҳунарманд ва фермер аёлларнинг бугунги фаолияти, эришган ютуқлари ва истиқболдаги лойиҳалари хусусидаги тақдимотлари, маҳсулотлар кўргазмаси билан танишиб, баҳолаб бордилар. Қарши шаҳридаги Ахборот технологиялари ва менежмент университети таъсисчиси Дилфуза Раҳмонова танловда биринчи ўринга сазовор бўлди. Қарши туманидаги “Elona EL fashion” МЧЖ раҳбари Лобар Рўзимуродова иккинчи, мубораклик тадбиркор Меҳринисо Яшузакова учинчи ўринга лойиқ деб топилди.

Дилфуза РАҲМОНОВА,
Қарши шаҳридаги Ахборот технологиялари ва менежмент университети таъсисчиси, танлов ғолиби:

– Бу эътироф мен учун фақатгина шахсий ютуқ эмас, балки жамоамиз билан биргаликда олиб бораётган ижтимоий йўналтирилган лойиҳаларимизга, эзгу саъй-ҳаракатларимизга берилган юксак баҳодир.

Биз университетимиз жамоаси билан биргаликда ёшларимизнинг замонавий билим олиши, рақамли технологиялар ва сунъий интеллект сирларини эгаллаши учун бор имкониятларимизни сафарбар этмоқдамиз. Хусусан, 500 нафар ёшга грантлар ажратганимиз ва минглаб талаба-ёшларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётганимиз эртанги кунимиз учун қўйилган мустаҳкам пойдевордир.



Шу билан бирга, партиянинг “Халқ билан бирга” умуммиллий дастури доирасида ҳудудимиздаги ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш, хотин-қизларимизни гиламчилик, каштачилик ва замонавий касб-ҳунарга ўқитиш, уларнинг бандлигини таъминлаш асосий мақсадларимиздан биридир. Юзлаб оилаларга кўмак бериб, хотин-қизларимизнинг тиббий кўрикларини ташкил этганимиз, болажонларимизнинг қувончига шерик бўлганимиз – биз учун энг хайрли ишлардан бири бўлди. Зеро, ҳақиқий тадбиркорлик фақатгина бизнес юритиш эмас, балки жамиятга наф келтириш, инсонларга кўмак бериш ва ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдир.



Анжуманда косонлик Гулбаҳор Бобоқулова раҳбарлигидаги “Гулбаҳор гиламлари” оилавий корхонаси маҳсулотлари ҳам иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Ишбилармон Қуйи Оброн маҳалласида бундан ўттиз йил аввал гиламчилик цехи ташкил этган эди. Айни пайтда бу ерда ўн беш нафар хотин-қиз меҳнат қиляпти. У 33-мактабда ҳам 20 нафар ўқувчи қизга, ҳатто Сурхондарёнинг бир нечта туманига бориб, у ердаги аёлларга касб сирларидан амалий машғулотлар ўтиб келади. Ўзининг айтишича, хориж бозорида рақобатбардош гиламларни тўқиш учун сифатли хомашё талаб этилади. Жун ва пахтадан йигириладиган ипларни бўяш учун сифатли бўёқ керак. У одатда заъфарон, анор пўстлоғи, ёнғоқ мағзи, барги ва пўстлоғидан тайёрланади. Бу мураккаб иш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Тадбиркор айни пайтда уни тайёрлаш борасида изланяпти. Маҳсулотларини Эрон, Афғонистон, Россияга сотяпти. 300 дан ортиқ шогирдларига ҳунар ўргатди. “Ўзбекистон тарихи” музейида жундан тўқиган 4 та гилами жой олган.



Шунингдек, танловда Нишон тумани Пахтаобод маҳалласида асаларичилик билан шуғулланиб келаётган Маҳбуба Абдиеванинг ютуқлари ҳам алоҳида эътироф этилди. Бу маҳалладаги 500 та хонадонда асалари боқилар экан. Тадбиркор ҳозирда асал қадоқлаш цехи қуриш ва маҳсулотни хорижга экспорт қилиш юзасидан амалий ишлар олиб бормоқда.

Танловда бир қатор номинациялар бўйича ғолиблар ҳам аниқланди. Хусусан, “Замонавий ташаббускор аёл” эътирофига ғузорлик Холида Атамуродова, “Йилнинг мурувватли ишбилармон аёли” – шаҳрисабзлик Лола Музаффарова, “Қишлоқни ижтимоий ривожлантиришда фаоллик кўрсатган фермер аёл” – деҳқонободлик Дилором Йўлдошева, “Инвестицияларни жалб қилишда ташаббус кўрсатган ишбилармон аёл” – шаҳрисабзлик Дилдора Мирзаева ва “Энг ёш, фаол аёл тадбиркор” номига қамашилик Мадина Абдувоҳидова сазовор бўлди. Ғолиб ва фаол иштирокчилар муносиб тақдирландилар.

Зулхумор ШОМАМАТОВА,
O‘zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши аёллар муаммоларини ўрганиш ва ишбилармонлигини қўллаб-қувватлаш бўлими мудири:

– Беллашувлар жараёнида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантираётган ишбилармон аёлларни рағбатлантирдик. Айниқса, уларнинг инновацион ёндошуви, бизнес ғоялари, маҳаллий бозорда талаб юқори бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқараётгани, маҳалла ва қишлоқларда тадбиркорлик муҳитини яхшилашга қаратилган фаолияти юқори баҳоланди. Танловлар жараёнида аниқланган, хотин-қизлар тадбиркорлиги фаолиятига тўсиқ бўлаётган муаммоларнинг мақбул ечимлари устида ишлаяпмиз. Лойиҳа доирасида амалга оширилаётган бундай ташаббуслар аёлларнинг ишбилармонлик салоҳиятини кенг намоён этиш, уларни қўллаб-қувватлаш ҳамда маҳаллаларда иқтисодий фаолликни янада оширишга хизмат қилмоқда.

Сайфулла ИКРОМОВ,
“XXI asr” мухбири

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

O‘zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши “INNO” инновацион ўқув-ишлаб чиқариш технопаркида ташкил этган тадбир ҳам ниҳоятда қизғин руҳда ўтди. Эътиборлиси, ғолиблик таълим соҳаси вакилига насиб этди. Ҳакамлар ҳайъати қарори билан фахрли биринчи ўринни “Aqaydin” хусусий мактаби асосчиси ва директори Нигина Зарипова эгаллади. Таълим соҳасида ижтимоий масъулиятни ўз зиммасига олган Нигина Зарипова учун бу ғалаба нафақат шахсий ютуқ, балки унинг кўп йиллик фидокорона меҳнати ва жамият ривожига қўшаётган ҳиссасига билдирилган юксак эътироф бўлди. Иккинчи ўринни “FAZZ” – махсус кийимлар асосчиси Камола Муродова, учинчи ўринни эса дизайнер Дилобар Зуфарова эгаллади.

Нигина ЗАРИПОВА,
“Aqaydin” хусусий мактаби асосчиси ва директори, танлов ғолиби:

– Ғолибликни қўлга киритганимдан жуда хурсандман. Бу мен учун нафақат катта эътироф, балки келгусида янада кўпроқ изланиш, янги мақсадлар сари интилиш ва ўз фаолиятимни ривожлантиришга ундайдиган муҳим рағбатдир.

Мен учун тадбиркорлик – фақат бизнес юритиш эмас, балки одамларга имконият яратиш, уларнинг меҳнати ва салоҳиятини рўёбга чиқариш демакдир. Айниқса, аёлларни иш билан таъминлаш, уларнинг иқтисодий мустақиллигига ҳисса қўшиш мен учун алоҳида аҳамиятга эга. Бугун 400 нафар аёлнинг бандлигини таъминлашга ҳисса қўшаётганимиздан мамнунман.



Бундай танловлар биз, тадбиркор аёллар учун тажриба алмашиш, ўз меҳнатимиз натижаларини намоён этиш ва янги марралар сари интилиш имконини беради. Ушбу танловни ташкил этиб, меҳнатимиз ва ташаббусларимизни эътироф этганларга миннатдорчилик билдираман.

Тадбир якунида ғолиб ва совриндорлар ташкилотчилар томонидан муносиб рағбатлантирилди. Энг муҳими, ушбу тадбир тадбиркорликка интилаётган барча хотин-қизлар учун ўз кучига бўлган ишончни мустаҳкамлади ва янги марралар сари қадам ташлашга руҳлантирди.

O‘zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши
матбуот хизмати

Саҳифани “XXI asr” мухбири
Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА тайёрлади.

ОЙНА

ЛУҚМАИ ҲАЛОЛ ҚАЧОН ЗАҲАР-ЗАҚҚУМГА АЙЛАНМАЙДИ?

...Ўтган ой адоғида интернетда Хоразм вилоятининг Боғот тумани маҳаллаларидан бирида содир бўлган фожиа ҳақида қисқагина хабар тарқалди: бир аёл ва унинг вояга етмаган уч нафар қизи қандайдир салатдан заҳарланиш оқибатида вафот этгани айтилди ва барча овқатланишда огоҳликка чорланди. Бор-йўқ хабар шу! Аянчли воқеа тафсилотлари очиқланмади...



Айтиб қўяй, бу фожиа бизга қўшни қишлоқда содир бўлди ва ҳали ҳамон одамлар даҳшатли мусибатдан ўзларига келишгани йўқ. Маҳалла-кўйда, тўй-маъракаларда ёйинланмоқда.

Хорижда ишлаётган оила бошлиғи кенжа қизининг туғилган кунига келгани чинакамига байрамга айланган. Шукрона дастурхонига қўйиш учун бозордан турли емаклар харид қилинган. Улар орасида қўлбола тарзда тайёрланган салатлар ҳам бўлган...

Ўзбекчиликда ёмон бир одат бор: бирор тадбир-тантана сабаб оилалар борини дастурхонга тўкишади. Бунда меъёр унутилади: неча киши таклиф қилинишидан қатъи назар, озиқ-овқат, ичимликлар керагидан ортиқча олинади. Меҳмонлар тарқалгач, маълум бўладики, дастурхонга тортилган неъматларнинг ярми ҳам истеъмол қилинмаган. Бундай пайтда ортиб қолган айрим тезбузилар маҳсулотларни чиқиндига ташлаш ўрнига эртага истеъмол қилармиз деган ниятда олиб қўйилади. Музлаткичга сиғмаганлари очиқ жойда қолдирилади. Нон қотса чойга, иссиқ овқатга қўшиб ивитиб ейиш мумкин, ширинликлар эса муддат сўраб ўтирмайди. Энг ёмони, турли туман салатлар муддати ўтса, тамом, заҳар-заққумга айланади-қолади!

Ўша хонадонда ҳам шундай бўлган, дейишди. Туғилган кундан ортиб қолган ноз-неъматлар нонуштада истеъмол қилинган. Ҳайратланарли жиҳати, салатлар шу қадар сероб харид қилинган эканки, тушликда ҳам дастурхонга тортилган. Тақдирни қарангки, тушлик овқат маҳали хонадон эгаси қатнашмаган, қўшниларникида уюштирилган эҳсонга кетган.

Она ва уч нафар қизи овқатланган, ошқозонларида қаттиқ оғриқ сезишган. Улар тезкор шифохонага олиб борилган, минг афсуски, вақт ўтган экан...

Кўп ўтмай ушбу фожиа юзасидан Бош прокуратура матбуот котиби томонидан мазкур ҳолат бўйича жиноий иш қўзғатилгани, экспертиза хулосалари ўрганилаётгани ҳақида қисқача ахборот берилди. Бу яхши, лекин ғишт аллақачон қолипдан кўчиб бўлганидан сўнг кўнгилларга таскиндан бошқа нимаям берарди?

Заҳарланиш манбаи сифатида ҳозирча айнан салатлар тилга олинаётгани кишини ўйлантиради. Нимага?

Бугун барча бозорларимизда қўлбола салатлар сотиш учун мўлжалланган пештахталар бор. Шаҳарлардаги бозорларнинг шундай озиқ-овқат маҳсулотлари сотишга мослашган ўринларида бир қадар санитария талабларига риоя қилинади: салатлар шишақопламали пештахталар остида маълум бир ҳароратда сақланади, сотувчи уларни харидорларга тарозида тортиб бераётганида қўлига албатта махсус қўлқоп кияди. Бу билан сотувчи ўзига юклатилган вазифани бажаради. Харидор сотиб олган нарсасини қандай сақлайди, қандай истеъмол қилади, бу унинг иши.

Аммо тан олиш керакки, айрим деҳқон бозорларида ана шу санитария талабларига риоя қилишга панжа орасидан қаралади, яъни салатлар очиқ ҳавода ҳар хил номақбул идишларда уюм-уюм тарзида қўйилиб, сотиляпти. Ҳатто айрим харидорлар харид олмоқчи бўлган салатлардан бемалол татиб кўраётганларига ҳам гувоҳ бўламиз. Мижоз “Таъми қанақа?” деб сўраса, ҳалиги нафси ҳақалак отган сотувчи “Бемалол еб кўринг, ишонмасангиз” деб мулозамат қилиши ҳаммамизга аён-ку!

Ана, кўряпсизми, камдан-кам бўлса-да, содир бўлаётган фожиалар илдизи қаерда! Тез бузиладиган *(об-ҳаво ҳароратига қараб)* бу каби истеъмол маҳсулотлари очиқ ҳаво остида сотилиши қай даражада тўғри? Пештахталар оралаб ўтаётган харидорларнинг устки кийимлари ногоҳ ўша маҳсулотларга тегиб кетмаслигига ишонч йўқ *(юқорида ювилган-ювилмаган қўли билан таъмини татиб кўришлари бор гап)* оёқ остидан кўтариладиган чанг зарраларининг ўша маҳсулотга “қўниши бор”. Чанг зарралари орасида қандайдир зарарли бактерия бўлмайди деб ким бизга кафолат бера олади? Ҳеч ким! Ўша зарарли бактерия аста-секинлик билан заҳар-заққумга айланиши ва инсон организмига киргач, ошқозон-ичак йўлларига тузатиб бўлмас зарар етказиши мумкин-ку!

Боғотда содир бўлган фожиа манбаи деб тахмин қилинаётган салатга ҳали пештахтада сақланган вақтида қандайдир бактерия тушганми ёки оила эгалари уни музлаткичда эмас, очиқ жойда сақлашганми, зарарли нарса қандай пайдо бўлди, бу ҳозирча номаълум. Тергов органлари бунга аниқлик киритишар.

Бироқ, бу каби нохуш ҳолатлар қайта такрорланмаслиги учун деҳқон бозорларида тезбузилар озиқ-овқат маҳсулотлар *(биринчи навбатда қўлбола салатлар)*ни санитария талабларига амал қилган ҳолда сотишни қатъий назоратга олиш шарт! Бугун маҳаллаларда хизмат кўрсатаётган озиқ-овқат дўконлари аҳолига барча турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини пайдар-пай етказиб беришмоқда. Катта-ю кичик савдо дўконларида ҳам фуқаролар томонидан уйларида тайёрланган ана шундай қўлбола салатлар кўплаб сотилаётганига гувоҳмиз. Тўй-тантана учун буюртма асосида турли салатлар тайёрлаб берадиган учар ишбилармонлар деярли ҳар бир маҳаллада бор. Уларнинг уйларида санитария талаб-қоидаларига қай тарзда риоя қилинаётгани алоҳида масала. Нега десангиз бундай “тадбиркор”ларни ўша ҳудудда фаолият кўрсатаётган санитария-эпидемиология назорат марказлари ходимлари қай тарзда назорат қилишаётгани шахсан бизга қоронғи. Қачонки, қайсидир тўй ва бошқа маросим, тадбирларда ё боғча-мактабларда овқатдан заҳарланиш ҳолатлари рўй бергани ҳақида ижтимоий тармоқларда бонг урилганидагина ушбу идоранинг бор-йўқлигини билиб қоламиз. Аксинча, қайсидир ҚВП ё оилавий поликлиникалар, ошхоналарга уюштирилган “рейд”лар натижаларини камдан-кам эшитамиз, кўрамиз. Демак, мазкур ташкилот фаолияти хусусида ҳам масъул идоралар жиддийроқ ўйлаб кўришлари лозим деб ўйлаймиз.

Шу ўринда яна бир ҳақли савол туғилади: хўш, санитария-эпидемиология назорат марказлари ходимларининг кўп сонли савдо-ю тайёрлаш шохобчаларини мунтазам назорат қилиш имконлари қай даражада? Ҳар куни бозорлардаги савдо расталарини кузатиш, сотилаётган тезбузилар маҳсулотлардан намуна олиб, лабораторияда таҳлил қилиш имкони борми? Ҳар куни юзлаб тўйхона-ю кафеларда дастурхонга тортиладиган ноз-неъматлар сифатини шу тарзда назорат қилиш имконсизлигини айтмай қўя қолайлик.

Демак, ҳаммаси ўзимизга боғлиқ экан, яъни қаерда бўлса ҳам истеъмол қилаётган ҳар қандай луқмаи ҳалолимиз заҳар бўлмаслигининг олдини олиш, айниқса, қўлбола салатларни истеъмол қилишда ўта эҳтиётқор бўлиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

Рўзимбой ҲАСАН,
“XXI asr” мухбири

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

ОБИ ҲАЁТ ЗАРГАРИ

ёхуд сув хўжалигининг жиззахлик маликаси ҳақида мухтасар сўз

Гулчеҳра Фозилованинг истарали қиёфаси, самимий табассуми ортида қатъиятли ва бир сўзли инсон турганини англаб, у ҳақда бирор нарса ёзмоқчи эканимни айтсам, бироз хижолат тортгандек бўлди ва “Шартмикан, бу соҳада шундоғам аёллар деярли кам, одамлар нима деркин?” деб қўйди. Сўнг ўзининг умр дафтаридаги айрим унутилмас битикларни сўзлаб берди.



...Гулчеҳра опа Қозоғистон Республикасининг Чимкент вилоятида туғилиб ўсган. Болаликдан дала ишларига меҳри баланд бўлган. Кейинчалик Ўзбекистонга келиб, Жиззах индустриал техникумида таҳсил олиб, техник-иқтисодчи мутахассислигини эгаллагач, сув хўжалиги тизимида иш бошлаган. Ўзининг айтишича, ота-онаси асли жиззахлик бўлган экан. Боболари очарчилик, қатағон кучайган замонларда турли тазйиқлар, Иккинчи жаҳон уруши даври ҳамда ундан кейинги қийинчиликлар саргардонлигида улоқиб-улоқиб Чимкентга бориб қолишган экан. Фарзандлари ўша ерда туғилиб, қозоқ мактабларида ўқиган бўлса-да, ота-онаси Гулчеҳрани ўз она юртига қайтишини истаган. Шу боис у мактабни тамомлагач, таълим олиш истагида бу ёққа йўл олган.

Техникумни тугатгач, 1991 йилдан бошлаб Жиззах вилоят сув хўжалиги бирлашмасининг диспетчерлик хизматида фаолият юритган Гулчеҳра опа шу касбга астойдил меҳр қўяди. Йиллар давомида сув ресурслари тизимида инспектор, инженер-диспетчер, бош мутахассис ва 1-даражали мутахассис каби лавозимларда ишлаб, бой тажриба тўплади. Тақдирни қарангки, ота-онаси орзу қилганидек, жиззахлик Тўлқинжон деган йигитга турмушга чиқди.

Иш жараёнида унга устозлик қилган тажрибали мутахассислар ҳам кўп бўлди. Жумладан, Мақсуд Тўраев илк қадамларини қўяётган ёш диспетчерга ўз билим ва тажрибасини аямай ўргатганини у ҳурмат билан эслайди.

– Сув хўжалигининг юраги – диспетчерлик, – дейди Гулчеҳра Фозилова. – Меъёрий ҳужжатлардаги топшириқ ва вазифаларнинг ижроси, сувнинг қишлоқ хўжалиги экин майдонларига ўз вақтида етказиб берилиши бизнинг йўналишимиз орқали мувофиқлаштирилади. Бу жараёнлар туманларга талабнома ва тақсимотларимиз асосида етказилади. Сув ресурслари бўлими лимитларни ишлаб чиқади, биз эса шу асосда тақсимот қиламиз.

Қарийб ўттиз йилдан бери бир соҳада фидокорона меҳнат қилиб келаётган қаҳрамонимиз шу йиллар мобайнида бирор марта ҳам тушунмовчиликларга йўл қўймагани, топшириқларни бажаришда хато қилмаганини мамнуният билан эслайди. У буларнинг барини ўз касбига бўлган чексиз муҳаббати натижаси деб билади.

– Бир пайтлар олий маълумотли бўлишни жуда истаганман, лекин насиб қилмаган, — дейди Гулчеҳра опа. – Бизнинг давримизда қизларнинг техникумда ўқиши ҳам катта гап эди. Кейинроқ ишхонам тавсияси билан олий таълимга ҳужжат топширмоқчи ҳам бўлганман, аммо ўша йили ўғлим ҳам ўқишга кириб, контракт тўлаш мажбурияти туғилди. Мен яна фарзандимнинг келажаги учун ўз орзуимдан воз кечдим.

Гулчеҳра опа умр йўлдоши Тўлқинжон ака билан уч ўғилни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказишди. Бугун улар олти неварининг суюкли бобоси ва бувижониси. Фарзандлари ва уч келин ҳам олий маълумотли. Катта ўғли Муҳаммаджон чет тилларини яхши ўзлаштирган ва логистика соҳасида фаолият юритади. Ўртанчаси Раҳимжон ҳам сув хўжалигида, кенжаси Даврон ҳуқуқшунос, иқтисодий судья ёрдамчиси.

Мустақилликнинг дастлабки йиллари, ўтиш даври қийинчиликлари уларнинг оиласини ҳам четлаб ўтмади. Ишхоналарда штатлар қисқариб, моддий етишмовчиликлар юзага келган пайтлар эди. Опа оила тебратиш мақсадида ҳатто бозорга чиқди, савдо-сотиқ билан шуғулланди. Турмуш ўртоғи билан бирга фарзандларини оёққа қўйиш учун жонини жабборга бериб ҳаракат қилди. Бир муддатлик танаффусдан сўнг яна ўз севган касбига қайтди. 2010-2017 йилларда Ховос – Зомин ирригация тизими бошқармасида, 2017 йилдан буён Сирдарё – Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг тармоқдан фойдаланиш муҳандис-техник ходимлар бўлимида диспетчерлик вазифасини бажариб келмоқда.

– Доно халқимиз айтганидек, “Сув – зар, сувчи эса заргар”, – дейди опа. – Замин бизга ризқ улашар экан, эвазига сув сўрайди. Оби ҳаётни халқимизга, деҳқонларга ўз вақтида, адолатли ва тўғри тақсимлаган ҳолда етказиб бериш ҳам ўзига хос заргарона маҳорат талаб қилади. Ана шу жараёнда иштирок этаётганимдан бахтиёрман.

Шерзод БУТУНБОЕВ,
“Сирдарё – Зарафшон ирригация тизимлари” ҳавза бошқармаси матбуот котиби



БЕМИННАТ КЎМАКЧИЛАР

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги, айниқса, пахтачилик соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар натижаси барчага маълум. Аввалгидек, қишли-қировли кунларгача далаларда сарсон бўлиб юришга деярли барҳам берилди. Ҳосилдорлик борасида рекорд қўйилаётгани ҳам бор гап.

Умуман бу йилги пахта ҳосилини қабул қилиш ва топшириш жараёнида арбитраж гуруҳлари аъзолари фермер хўжаликлари дуч келган муаммоларни аниқлаш, уларни ҳал этиш ҳамда фермерларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда амалий кўмак кўрсатганини алоҳида таъкидлашни истардик. Чунки бу хизмат вакилларининг беминнат кўмагисиз соҳа ривожини тасаввур қилиш мушкул.

Масалан, пахта қабул қилиш жараёнида юзага келган айрим муаммоларни ўрганиш ва ҳал этиш юзасидан республика бўйича жами 71 та мурожаат келиб тушган. Уларнинг 20 таси Жиззах, 15 таси Фарғона, 13 таси Андижон, 12 таси Сурхондарё ва 11 таси Қашқадарё вилояти бўйича қайд этилган.

Эътиборли жиҳати, учраётган баъзи камчиликларни бартараф этиш ва пахта қабул қилиш тизимида шаффофликни таъминлаш мақсадида Фарғона вилоятидан бир қатор таклифлар илгари сурилган. Хусусан:

– ҳар бир партиядан белгиланган тартибда намуна олиш, жараён устидан назоратни кучайтириш;

– пахтанинг нави, намлиги ва ифлослик даражасини замонавий лаборатория ускуналари орқали аниқлаш, натижаларни фермерларга очиқ тақдим этиш ҳамда эътирозлар юзага келганда мустақил лабораторияда қайта таҳлил ўтказиш имкониятини яратиш;

– қабул масканларидаги тарозиларнинг техник ҳолати ва қиёсловдан ўтганлигини мунтазам назорат қилиш, сифат кўрсаткичлари бўйича қўлланиладиган чегирмалар асослилигини текшириш ва ҳисоб-китоблар шаффофлигини таъминлаш.

Бир сўз билан айтганда, арбитраж гуруҳлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида кенгашимиз раҳбарияти ҳамда ҳудудлардаги вакиллар иштирокида мунтазам онлайн мулоқотлар ўтказилмоқда. Уларда пахтани қабул қилиш ва топшириш жараёнида фермерларнинг қонуний манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш масалалари юзасидан тушунтиришлар бериб борилмоқда.

Тўрабек ЖЎРАЕВ,
Ўзбекистон фермерлари кенгаши мутахассиси

ASR XXI
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETASI

МУНОСАБАТ

ДИПЛОМ КРЕАТИВ КАДРЛАР КЕРАК

Эртага Ўзбекистон қандай мамлакат бўлиши бугун болаларимизга бераётган таълим ва тарбиямизга боғлиқ. Улар қандай фикрлайди, қайси касбни эгаллайди, замонавий технологиялар билан қай даражада ишлай олади? Бу саволлар фақат таълим тизимининг эмас, бутун мамлакатнинг келажагини белгилайди. Шу боис бугунги ислоҳотларнинг марказида мактаб, ўқитувчи ва инсон капитали турибди.

Сунъий интеллект жадал ривожланаётган, ахборотга эга бўлиш тобора осонлашаётган даврда ўқитувчининг вазифаси янада жиддийлашмоқда. Энди педагог болага фақат билим бериш билан чекланмай, уни мустақил фикрлашга, ахборотни таҳлил эта олишга, тўғри қарор қабул қилишга ва ҳаётга масъулият билан ёндашишга ўргатиши зарур.



Ўқитувчи ва мураббийлар байрами куни Президент Шавкат Мирзиёев устозларни қутлар экан, машаққатли соҳа вакилларини меҳр дарёси, эзгулик булоғи ва маърифат қуёшига қиёслади. “Устозни қадрлаш – бутун халқнинг келажагини қадрлашдир”, деган ғоя таълим ислоҳотларининг замирида инсон камолоти турганини яна бир бор исботлайди.

Кузатилаётганидек, кейинги йилларда профессионал таълимда ҳам сезиларли ўзгаришлар рўй бермоқда. Сўнгги икки йилда 104 та техникумда халқаро дастурлар жорий этилди. Уларнинг 25 мингта корхона билан ҳамкорлиги 100 мингдан ортиқ ёшга бир вақтнинг ўзида касб ўрганиш ва даромад топиш имконини берди. Дуал таълимда ўқиётганларга 1,3 миллион сўмгача стипендия тўланмоқда.

Бу тажрибанинг муҳим жиҳати шундаки, ёшлар диплом олгунига қадар ишлаб чиқариш муҳитига кириб боради, назарий билимларини амалиётда синаб кўради. Натижада таълим муассасаси билан иш берувчи ўртасидаги узилиш қисқаради.

Таълимни ривожлантиришда хусусий секторнинг иштироки ҳам кенгаймоқда. Таълим муассасаларига эҳтиёж юқори бўлган 52 та туманда хусусий мактабларга имтиёзли кредит ва субсидиялар ажратиш белгиланган. Бўш турган давлат биноларини уларга 10 йилгача бепул ижарага бериш, халқаро аккредитация харажатларининг бир қисмини қоплаш чоралари ҳам кўзда тутилган.

Бу имкониятлар, айниқса, ёш тадбиркорлар учун муҳим аҳамиятга эга. Чунки хусусий мактаб очиш фақат тижорий лойиҳа эмас. У янги иш ўринлари, таълим сифати учун рақобат ва ҳудуднинг ижтимоий инфратузилмаси ривожига хизмат қилади. Энг муҳими, бундай ташаббуслар аҳолининг таълимга бўлган эҳтиёжини қондиришга ёрдам беради.

Жорий йил баҳорда кенг жамоатчиликка ҳавола этилган Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг “Халқ билан бирга” умуммиллий дастури ҳам ана шу эҳтиёжларни жойларда ўрганиш ва амалий ечимлар топишга қаратилган. Дастур доирасида бир миллиондан ортиқ хонадонни қамраб олиш, аҳоли, ёшлар ва тадбиркорларнинг таклифларини ўрганиш кўзда тутилган. Зеро, таълим соҳасидаги ҳар бир рақам ортида муайян оила, бола, ўқитувчи ёки тадбиркорнинг манфаати ва тақдири бор.

Бу борада, айниқса, Хоразм вилоятида амалга оширилаётган ишлар эътиборга молик. Ҳудудда таълим муассасалари модернизация қилинмоқда, ёшларни касбга йўналтириш кучайтирилмоқда, хусусий таълим лойиҳалари учун ҳам шароит яратилмоқда. Жумладан, Урганч шаҳридаги Хоразм илғор касбий маҳорат техникуми ҳудудида ташкил этилган “Касблар шаҳарчаси” ёшларнинг касбий тайёргарлигини кучайтиришга хизмат қилмоқда. Бу ерда ўқувчилар назарий билимлар билан бирга амалий кўникмаларни ҳам эгаллайди. Мактаб ўқувчилари эса турли касблар билан эртароқ танишиб, ўз қизиқишларини аниқлаш имконига эга бўлмоқда. Бундай ёндашувнинг аҳамияти шундаки, ёшлар касб танлашда тасодифий қарорга эмас, ўз қобилияти ва меҳнат бозори эҳтиёжларига таянади.

Инклюзив таълимни ривожлантириш ҳам муҳим вазифалардан бири. Сўнгги икки йилда мамлакатимизда инклюзив мактаблар сони қарийб беш баробарга ошиб, 3,5 мингдан зиёдга етди. Тошкентда йўлга қўйилган кўп функцияли инклюзив-ресурс мактаби тажрибасини Хоразмда ҳам жорий этиш режалаштирилган. Бу алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларнинг ўз имкониятларига мос шароитда билим олишига хизмат қилади.

Хусусий таълим соҳасидаги ташаббуслардан бири – Урганч шаҳридаги “Nurafshon Academy” мактаби ҳисобланади. Ёш тадбиркорлар ташаббуси билан ташкил этилган мазкур муассаса шу йилнинг сентябрь ойида фаолиятини бошлади. Тўлиқ қувватда ишлайдиган бўлса, бу масканда қарийб 50 та янги иш ўрни яратиши кутилмоқда. Асосийси, таълим даргоҳида хорижий тиллар, рақамли технологиялар, IT ва робототехникани ўрганишга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, хитой тилининг чуқурлаштириб ўқитилиши ўқувчилар учун халқаро таълим ва келгуси касбий фаолиятда қўшимча имкониятлар очади.

Лойиҳанинг яна бир жиҳати – унинг ёнида беш йилдан буён фаолият юритаётган “Nurafshon Kids” болалар боғчаси жойлашганидир. Бу мактабгача таълимдан мактаб таълимига ўтишда узвийликни таъминлаш, боланинг ривожланишини изчил давом эттириш учун қулай муҳит яратади.

Аслида, мактабгача таълимнинг сифати кейинги босқичлардаги натижаларга ҳам бевосита таъсир қилади. Шу боис илғор хорижий тажриба асосида ишлаб чиқилган, ўйин орқали таълим беришга йўналтирилган дастурлар бўйича 180 минг нафар тарбиячи ва педагог малака оширмоқда. Йил якунига қадар ушбу ёндашувни 38 мингдан ортиқ мактабгача таълим ташкилотида жорий этиш режалаштирилган.

Яна бир эътиборли жиҳати, ишлайдиган ота-оналар учун ҳам қўшимча имкониятлар яратилмоқда. Янги йилдан 2–3 ёшли болаларнинг оилавий боғчаларда тарбияланиши харажатларини қоплаш механизми жорий этилиши белгиланган. Тарбиячиларнинг ишдан ажралмаган ҳолда олий маълумот олиши учун шароитлар ҳам кенгайтирилмоқда.

Олий таълимдаги ислоҳотлар эса кадрлар тайёрлашни иқтисодиёт эҳтиёжларига мослаштиришга қаратилган. Ҳозир мамлакатимиз олий таълим муассасаларида 1,6 миллион нафар талаба таҳсил олмоқда. Еттита ОТМ 17 та фан йўналиши бўйича халқаро рейтинглардан жой олган. 2027 йилдан бошлаб дуал таълимни 75 та олий ўқув юртида жорий этиш, 2028 йилдан эса уларнинг барчасини ушбу тизим бўйича қамраб олиш режалаштирилган. Бунда талабалар ўқиш билан бирга ишлаш имконига эга бўлади, давлат эса уларнинг иш ҳақининг ярмини қоплаб беради.

Шунингдек, дунёнинг 300 та етакчи университети филиалларини мамлакатимизга жалб қилиш вазифаси қўйилган. Бунда муҳандислик, энергетика, сунъий интеллект, тиббиёт, қишлоқ ва сув хўжалиги каби иқтисодиёт учун устувор йўналишларга эътибор қаратилади.

Кўриниб турибдики, таълимнинг ҳар бир босқичида аниқ вазифалар белгиланган: боғчада боланинг дастлабки қобилиятлари ривожлантирилади, мактабда билим ва тафаккур шаклланади, техникумда касб ўргатилади, олий таълимда эса илмий ва касбий салоҳият юксалтирилади. Бу жараёнда давлат билан бир қаторда педагоглар, ота-оналар, иш берувчилар ва хусусий секторнинг ҳам масъулияти ортиб бормоқда.

Энг муҳими, ислоҳотлар натижаси фақат янги бинолар ёки таълим муассасалари сони билан эмас, балки болаларнинг қандай билим олаётгани, ёшларнинг қай даражада касб эгаллаётгани ва битирувчиларнинг меҳнат бозорида ўз ўрнини топа олиши билан баҳоланиши керак.

Зеро, бугун сунъий интеллект сониялар ичида миллионлаб маълумотларни таҳлил қила олади. Аммо у инсон ўрнига орзу қила олмайди, ҳаёт йўлини танлай олмайди, масъулиятни зиммасига ололмайди. Демак, келажак таълими болага ахборот беришдан кўра кенгроқ вазифани бажариши керак: мустақил фикрлайдиган, янгилик яратадиган ва ўзгарувчан дунёда ўз йўлини топа оладиган инсонни тарбиялаш. Янги Ўзбекистондаги таълим ислоҳотларининг аҳамияти ҳам шунда.



Шавкат АЛИМБЕКОВ,
“Nurafshon Academy”
хусусий мактаби директори,
O‘zLiDeP фаоли

МУНОСАБАТ

ФАҚАТ ЖАЗОНИНГ ЎЗИ КИФОЯ ЭМАС!

Бугун жамиятни энг кўп ташвишга солаётган муаммолардан бири – болаларга нисбатан жинсий зўравонликлар ҳамда бундай жиноятларни содир этаётган шахслар масаласидир. Айниқса, ижтимоий тармоқларда вояга етмаган болаларга нисбатан содир этилаётган жиноятлар учун жавобгарлик даражаси кенг муҳокама қилинмоқда. Бундай жирканч ҳолатларнинг учраб тургани халқ орасида: “Бундай кимсалар неча йиллик жазо билан қутулиб қолади? Улар қамоқдан чиққач, одатий ҳаётига қайтиб, шундай жиноятни яна такрорласа нима бўлади?” деган ҳақли ва кескин саволларни келтириб чиқармоқда.

Бу каби ҳолатлар жамоатчилик эътиборида туришининг асосий сабаби – болалар ўз ҳуқуқларини тўлиқ ҳимоя қила олмаслигидадир. Улар катталарнинг ҳам амалий, ҳам маънавий ва ҳуқуқий эътиборига муҳтож бўлган аҳоли қатлами ҳисобланади. Одамлар орасида “педофил” сўзи кўпинча болаларга нисбатан жинсий тажовуз қилувчиларга нисбатан ишлатилади. Лекин ҳуқуқий нуқтаи назардан бундай ҳолатлар алоҳида квалификация қилинади. Ушбу қилмишларни квалификация қилишда жиноятнинг содир этилиш усули, жабрланувчининг ёши, зўравонлик ёки таҳдид ишлатилгани, жабрланувчининг соғлиғи ва руҳий ҳолатига кўрсатган таъсири ҳамда жиноятдан келиб чиқадиган оқибатлар айб учун жавобгарлик принципи бўйича жиддий ҳисобга олинади. Жиноят кодексининг 118-моддаси айнан ҳозирги кундаги масалаларга ҳуқуқий ечим бўла олади. Унга кўра, жинсий эркинликка қарши жиноятлар сирасига кирувчи номусга тегиш қилмиши 14 ёшга тўлмаган шахсга нисбатан содир этилган тақдирда, ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши кутиларди. Мамлакатимизда бундай хавфларнинг олдини олиш ва халқ орасида “Жиноятчи бир неча йил ўтириб озодликка чиқади-ю, яна бегуноҳларни қийнайверадими?” деган хавотирли музокараларга чек қўйиш учун қонунчиликни такомиллаштириш чораси кўрилди. 2026 йил 17 апрелдаги “Болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун орқали болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилди. Шунингдек, ушбу йил 11 сентябрдаги “Болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун билан вояга етмаганларга нисбатан жисмоний ёки руҳий зўравонлик содир этгани учун маъмурий жавобгарликка тортилган шахсларнинг айрим таълим ташкилотларида педагогик фаолият билан шуғулланиши бир йил давомида тақиқланди.

Ушбу ислоҳотларнинг энг эътиборга лойиқ ва муҳим босқичи қуйидагича бўлди: 2026 йил 14 октябрдаги “Болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, 14 ёшга тўлмаган шахсларнинг номусига тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш учун жазо муддати ўн беш йилдан йигирма беш йилгача узайтирилди ҳамда бундай шахсларга умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши белгиланди. Бу эса бундай жиноятни содир этганлар энди “бир неча йилгагина қамалиб, қутулиб қола олмаслиги”ни англатади.



Яқинда Наманганда юз берган аянчли ҳолатга ҳуқуқий баҳо беришда ҳам ушбу янги норматив-ҳуқуқий ўзгаришлар асосий мезон бўлади. Ушбу қилмиш 14 ёшга етмаган вояга етмаганларга нисбатан қилинган ўта оғир жиноятлар таснифига киради. Қилмишни квалификация қилишда жабрланувчининг атиги беш ёшда экани алоҳида инобатга олиниб, айбдорга умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши кутилмоқда.

Бунда яна бир муҳим масала бор – болага ўз танаси ва шахсий чегараларини тушунтириш. Бола ўзига нисбатан номақбул ҳаракат қилинаётганини англай олиши ва бундай вазиятда ишончли ёши катта кишиларга мурожаат қилишдан қўрқмаслиги керак. “Бу ҳақда ҳеч кимга айтма”, “Агар гапирсанг, ёмон бўлади” каби таҳдидлар жиноятчилар томонидан болани сукут сақлашга мажбур қилиш учун ишлатилиши мумкин. Шунинг учун фарзандга: “Сенга нима бўлишидан қатъи назар, агар бирор киши сени қўрқитса ёки ноқулай вазиятга солса, менга айтишинг мумкин”, деган ишончни бериш жуда муҳим. Шунингдек, бундай жиноятларнинг олдини олиш фақат жазони кучайтириш билангина ҳал бўлмайди. Албатта, жазонинг муқаррарлиги жуда долзарб – жиноят содир этган шахс ўз қилмиши учун жавоб беришини билиши керак. Лекин бундан ташқари, жиноятни эрта аниқлаш, болаларни ҳуқуқий жиҳатдан хабардор қилиш, ота-оналарнинг эътиборини кучайтириш, мактаб ва таълим муассасаларида хавфсиз муҳит яратиш, интернетдаги хавфлардан ҳимояланиш ҳамда жабрланган болаларга психологик ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш каби чоралар ҳам бирдек зарурдир. Бундай чоралар амалда тўлиқ ишлашида жамиятнинг ҳам ўрни жуда катта эканини инобатга олиш зарур.

Хўш, бундай жиноятни содир этган шахс жазоланганидан кейин масала тугайдими? Аслида, йўқ. Чунки суд ҳукми жиноятчига нисбатан адолатни қарор топтириши мумкин, аммо жабрланган боланинг қалбида қолган қўрқув, ишончсизлик ва руҳий жароҳатни биргина жазо муддати билан йўқотиб бўлмайди. Шу сабабли болаларга нисбатан жинсий зўравонлик масаласига фақат “Жиноятчи неча йилга қамалади?” деган савол билан ёндашиш етарли эмас. Бу ерда бундан ҳам муҳимроқ савол бор: бундай жиноятларнинг олдини қандай олиш ва ҳар бир болани қандай қилиб ишончли ҳимоя қилиш мумкин? Энг муҳими, жамият боланинг сукутини бефарқлик билан қабул қилмаслиги керак. Баъзан бола гапирмайди, чунки қўрқади; ёки у бошидан кечирган воқеа учун ўзини айбдор деб ҳисоблайди; гоҳо эса уни ҳеч ким эшитмаслигидан хавотирланади. Ана шундай пайтда катталарнинг вазифаси – ҳукм қилиш эмас, эшитиш; айблаш эмас, ҳимоя қилиш; бефарқ қараш эмас, ўз вақтида ҳаракат қилишдир.

Зеро, болани ҳимоя қилиш шунчаки қонун талаби эмас, бу жамиятнинг инсонийлик мезонидир. Бугун бир болани асраш орқали биз, аслида, эртанги куннинг бутун жамиятини асраймиз.



Севинч САИДЖОНОВА,
Тошкент давлат юридик университети
2-босқич талабаси

MUASSIS: **TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI**

O‘ZLIDEP IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA ASR XXI

Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Таҳрир ҳайъати:

Актам ХАИТОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Сирожиддин САЙИИД, Дилшод ШОУМАРОВ, Равшан МАМУТОВ, Нодир ЖУМАЕВ, Гулшана ХУДОЁРОВА, Шуҳрат АСЛОНОВ, Абдулла АСЛОНОВ

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри Нукус кўчаси 73А-уй.

электрон почта: xxi_asr@umail.uz, xxi_asr@mail.ru

Телефонлар:
қабулхона – 71 215-63-80 (тел./факс).
Обуна ва реклама бўлими – 71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (собиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги)да 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ.
Буюртма рақами: Г – 1145
Адади: 4 002
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди – 18:40

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

© “XXI asr”дан олинган маълумотларга манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди.

Саҳифаловчи: **Маъруфжон Раҳмонов**

ISSN 2181-497X

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир: **Абдулла ЧИМИРЗАЕВ**